

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти

Жорий йилнинг 6 июлида **“Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.**

Қарорга мувофиқ, **2021 йил 1 сентябрдан** давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари онлайн **очиқ танлов** асосида ишга қабул қилинади.

2021 йил 1 октябргача коррупция, манфаатлар тўқнашуви асосида тузилган шартномаларни **ҳақиқий эмас деб топиш**, давлат хизматчилари томонидан тадбиркорликда қатнашиши ҳуқуқий оқибатларини белгиловчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2021 йил 1 октябрдан барча давлат органлари ва ташкилотлари, вилоят ҳокимликларида **коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари** фаолияти йўлга қўйилади.

2021 йил 1 августдан давлат харидлари соҳасидаги **тендерлар натижалари очиқ эълон** қилинади.

Давлат харидларида **ҳамкорлар (контрагентлар)ни текшириш тартиби** ишлаб чиқилади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан **2021 йил 1 декабрдан** ҳар йил якуни бўйича **коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтинг эълон** қилиб борилади.

2021 йил 1 декабргача даромад ва мол-мулк декларациялари бўйича маълумотлар базаси шакллантирилади.

2021 йил 1 октябргача давлат маблағлари ҳисобига қурилиш-пудрат шартномаси учун ўтказиладиган танловлар **“Шаффоф қурилиш”** тизими маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида **электрон тарзда** амалга оширилади.

2022 йил 1 январгача автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотларни ўз ичига оладиган **“SHAFFOF YO‘L”** онлайн ахборот платформаси ишга туширилади.

2022 йил 1 январдан бошлаб **“ҳалоллик вакцинаси”** тамойили асосида давлат хизматчилари мунтазам коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитилади.